

XI асрда Хоразмшоҳлар давлати дунёнинг энг бой давлати эди. Бугунги Эрон, Покистон, Афғонистон ва Ўрта Осиёнинг каттагина ҳудуди бу давлат чегаралари ичида қолиб қетарди. Буюк давлатнинг буюк ташвишлари бўлишини Муҳаммад Хоразмшоҳ биларди...

Буюк Ипак йўли Хоразмшоҳлар ҳазинасига жуда катта даромад келтирадиган манба бўлган. Хитой, Хиндистон, Олд Осиё, Рус ерлари ҳатто Гарбий Европадан савдогарлар савдо-сотик марказига айланиб улгурган Марв, Бухоро ва Самарқандга кўплаб ташриф буюрарди. Самарқанд ярим миллиондан ортиқ аҳолига эга йирик шаҳарга (ўша замонларда Париж ва Лондон аҳолиси нари борса 30-40 мингга зўрга етган) айланиб улгурган, бозорида дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган маҳсулотлар кўп эди. Шунингдек, у Ислом дунёсида илм-фан ва маданият маркази сифатида шухрат қозонган эди. Иқтисодий жиҳатдан ҳам жуда бақувват бу юртнинг кетма-кет муваффақиятли юришлар натижасида сарҳадлари анча кенгайиб, деярли бутун Европа ҳудудига тенг келар эди. Салб юришлари даврида Франция, Германия, Англия каби ўлкаларнинг умумий қўшини 50 минг кишидан иборат бир пайтда Хоразмшоҳ ихтиёрида жуда яхши қуролланган 500 минг зирхли қўшин шай турарди.

Бир куни шохга ноҳуш хабар келади. Эътиборсиз кўринган бу хабар ҳукмдорни ўйлантириб қўйди. Шарқда 3000 км узоқликда янги бир қуч пайдо бўлганди. Бу қуч насл-насабининг тайини йўқ, қодирларда яшовчи қўчманчи мўғуллар қироллиги эди. Бу ярим ёввойи қабилаларни 1206 йили ўзини «хонлар хони» деб эълон қилган Чингизхон (Темучин) бирлаштирган эди. У қўшини билан Шимолий Хитойнинг бой вилоят ва шаҳарларини забт этиб улгурган эди. Қорахитойлар Қушлук бошчилигида Чингизхонга қарши исён қўтарганда Хоразмшоҳ қорахитойларни яширинча дастаклаш билан мўғуллар давлатини парчалаб ташламоқчи бўлади. Чингизхон 20 минг кишилик қўшин жўнатиб қаттиққўллик билан исённи бостиради. Қорахитойлар исёни бостирилгач, Хоразмшоҳ жиддий ташвишга тушади.

Ўша кезлари Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси Турконхотун ўз атрофига қангли-кипчоқ зодагонларидан ҳукмдорга қарши фитна гуруҳи тўплаб, тахтни эгалламоқчи бўлади. Сарой аҳли орасида ҳукмдорнинг обрўси қун сайин тушиб борар эди. Савдогарлар қиёфасида Ўрта Осиёга келиб қетаётган мўғул жосуслари қалъа, дарё қечувлари ва вилоят ҳокимлари ўртасидаги муносабатларни яхшилаб ўрганиб чиқадилар. Хоразм лашқари сони ва жойлашган ерлари ҳақидаги аниқ ва қимматли маълумотлардан кейин Чингизхон узоқ ўйлаб, Ўрта Осиё юришига тайёрланиш учун фармон беради. 100 мингдан сал кўпроқ қўшини бўлган Чингизхон нима сабабдан бундай нозик қарорга қарор қилди? Буни қуйидаги сабабларда қўриш мумкин:

1. Хоразмшоҳлар давлатида марказий ҳокимият билан вилоят ҳокимлари ўртасида бирлик йўқ эди (кўп вилоят ҳокимлари Турконхотуннинг қабиладолари бўлган).

2. Саркардалар ичида ўзига қарши гуруҳ вақиллари қорлигидан шубҳаланган Хоразм ҳукмдори қўшинни бир неча қисмга бўлиб, мамлакатнинг турли томонларига ҳар қил баҳоналар билан жўнатиб юборган эди.

3. Чингизхон тарихда биринчи бўлиб қўшинни ўнлик, юзлик, минглик ва ўн минглик

кисмларга бўлиб чиккан эди.

Бу усул жанг мобайнида аник бир кисмни кийинчиликсиз бошқариш имконини яратди. Чингизхон факат кайси бўлинмани жангнинг кайси кисмига бориши кераклигини, кайси кисм ёлгондан чекиниши, ёки кайси кйсм душман кўшинига оркадан зарба бериши лозим эканини бир огиз гап билан тушунтира оларди. Хар бир мўгул жангчиси жанговор тартибда ўз ўрнини аник билган. Деярли 100 фоиз суворийлардан ташкил топган кўшин жангга ўз ўнлиги билан бирга кирган. Агар харбий кисмдагилар чекиниб, бир кисм аскарлар асирга тушса, кочиб келганларнинг барчаси биродарини жанг майдонида ташлаб кочгани учун катл этиларди. Шу сабабдан мўгул кўшинида деярли чекиниш бўлмаган.

4. Шимолий Хитойни кўлга киритган Чингизхон кўшинини Хитойнинг илгор техник куроллари - манжаник, нафтандоз ва замбараклар билан кайта жихозлаган эди. Унинг кўшинига Хоразмшоҳлар давлатининг калъа деворлари тўсик бўлолмасди.

5. Кўпинча Чингизхон лашкарни икки зарбдор кисмга бўларди. Бири жанг килаётганда иккинчиси хордик чиқарар, кейин эса ўрин алмашилиш оркали душманга дам олиш, кучларни кайта ташкиллашга фурсат берил-мас эди.

6. Чингизхон ўз кўшинининг тезкорлигига каттик ишонар эди. Душман мўгул лашкарини олти кундан кейин етиб келишини кутаркан, уларни икки-уч кунда каршиларида кўргач жиддий саросимага тушиб коларди.

1218 йили Чигизхон Урганчга кўп микдорда кимматбаҳо моллар ортилган 500 туя ҳамда 450 мусулмон савдогардан иборат жуда катта савдо карвони ва элчиларини жўнатади. Карвон Урганчга етиб бормай чегара шаҳри Ўтрор ҳокими Инолчик томонидан талон-тарож қилинади. Урушга хар томонлама тайёргарлик кўрган мўгуллар ҳукмдорига Ўрта Осиёнинг бой ва обод вилоятларига бостириб кириши учун бир баҳона етишмаётган эди холос. У кимматбаҳо моллар ортилган карвонни соқчиларсиз, золим ва очкўз ҳокими билан танилган Ўтрор оркали жўнатилишини олдиндан режалаштирган эди.

Чингизхон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳузурига Ибн Кафрож Бугрони элчи сифатида юбориб Хоразм маъмурларидан ҳисобланган Ўтрор ноибининг хатти-ҳаракатидан норозилигини, Инолчикни туттириб, унинг ихтиёрига жўнатишини талаб қилади. Кабул қилиб бўлмас бу талабларни эшиттан Муҳаммад Хоразмшоҳ элчини ўлдиришни, у билан бирга келган икки мулозимининг соқол-мўйловини кириб, шармандаларча қайтариб юборишни буюради. Шу билан элчилик алоқалари узилиб, уруш бошланади.

Шарқий Туркистон ва Еттисувда пайдо бўлган уруш таҳликасига қарши чора-тадбирлар кўриш учун дарҳол тайёрланиш зарур эди. Хоразм давлатида камал куроллари ва уларни ишлатишни яхши биладиган моҳир сарбозлар кўп эди. Уруш узок муддатга чўзилгудек бўлса ҳам мудофаачилар учун етарли даражада озик-овкат ва ем-хашак мавжуд эди. Аскарларнинг умумий сони жихатдан шубҳасиз Хоразмшоҳ бирмунча устунрок ҳам эди. Афсуски, подшоҳ билан саркардалар ўртасида мавжуд ихтилофлар аввал бошданок бундай устунликдан фойдаланишга имкон бермади. Харбий кенгашда улар ўртасидаги ихтилоф яққол намоён бўлди. Кенгашда душманга зарба беришнинг ягона режасини яқдиллик билан белгилаб олиш ўрнига фикрлар бўлиниб кетди. Хива вакили саркарда Шаҳобиддин Хивакий бор кўшинни Сирдарё бўйига тўплаб, мўгулларни қарши олиш, узок йўлдан толиқиб келаётган душманга ўзини ўнглаб олмасдан туриб, янги куч билан

тўсатдан зарба бериш хакида ягона тўғри фикрни баён қилади. Бирок Хоразмшоҳ бундай маслаҳатни қабул қилмайди. Чунки у ўзининг олий лашкарбошилари бўлган кипчок саркардаларига тамоман ишончсизлик билан қарар эди. Харбий кенгашда бўлажак урушда мудофаа тактикасини қўллашга қарор қилинди. Хоразмшоҳ мўғулларнинг асосий зарбаси Мовароуннахрнинг маркази - Зарафшон водийсига қаратилса керак деб ўйлаган эди. Шунинг учун ҳам Самарканд ва Бухоро шаҳарларини мустаҳкамлашга буйруқ берди. Самарканднинг ташки деворини қайта қуриш мақсадида шаҳар аҳолисидан ҳатто бир йил ичида уч марта хирож йигилди. Шунга қарамай Хоразмшоҳ мудофаага тайёр эмас эди.

1219 йилнинг кузида Чингизхон 200 минглик қўшин билан Хоразмшоҳга қарши юриш бошлади. Шаҳарлар мудофаасига бўлиб юборилган таркок лашкар тезкор ва шавқатсиз душман томонидан бирин-кетин кириб ташланади. Дастлабки зарба Ўтрорга берилади. Чингизхон қўшинни бир неча қисмга бўлиб, турли йўналишларда юриш бошлайди. Бир вақтнинг ўзида мўғул лашкари бир неча шаҳарни қамал қилиб забт этади.

Аҳоли орасида «мўғулларни енгish имконсиз, яхшиси жангсиз таслим бўлсак, бизларга шавқат қилишади», деган ваҳимали гаплар тарқатила бошланди. Душманга жангсиз таслим бўлган Зеринук, Нур қалъалари ва Ўзган шаҳри талон-торож қилинади. Қаршилиқ кўрсатган бир неча шаҳар аҳолиси бутунлай кириб ташланади. Баъзи шаҳарларда эса қуролланган аҳоли қиличдан ўтказилиб, қолганлари қул қилиб сотилади. Шаҳарларнинг бирин-кетин таслим бўлгани хақидаги хабарлардан эсанқираб қолган Муҳаммад Хоразмшоҳ ваҳимага тушиб, ҳокимият жиловини қўлдан чиқариб юборади. Чингизхон моҳир қўмондони Субутайга сара жангчилардан иборат 20 минг кишилиқ лашкари билан Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қалласини олиб қелиш вазифасини юқлаганидан хабар топгач, ортига қарамай қочади. Бу «қувлашмачок» Хуросон, Эрон орқали давом этади. Охири Муҳаммад Хоразмшоҳ тахтдан воз кечиб, Каспий денгизи жанубидаги Ашура оролига қочиб боради. Шу оролда у рухий қасалликдан вафот этади. Тахт вориси Жалолиддин Мангуберди, Хўжанд ҳокими Темурмалик, Урганч аҳолиси орасида обрўи баланд шайх Нажмиддин Кубролар мўғулларга қарши мудофаани тиклашга қанчалар уринмасинлар фурсат қўлдан бой берилган эди. Турконхотун ва кипчок лашкарбошилари тайёрлаётган навбатдаги фитнадан хабар топган Жалолиддин Урганчни ҳам тарқ этиб, Хуросонга кетади. Моҳир саркарда сифатида танилиб улгурган Жалолиддин Парвона даштида Шиқи Хутуху Нўъённи 45 минг кишилиқ аскар билан кириб ташлайди. Жангдан кейин ўлжа тақсимлашда лашкарбошилар ўртасида қелишмовчилик қелиб чиқиб, қўшин парчаланиб кетади. Фурсатдан фойдаланган Чингизхон Жалолиддин устига қўшин бошлаб келади. 1221 йилнинг 25 ноябрида Хинд дарёси бўйидаги жангда Жалолиддин Чингизхон қароргоҳига бостириб қиради. Чингизхонни муқаррар ўлимдан ёрдамга етиб келган «кешиқ» деган сара қўшин қутқариб қолади. Мағлубиятга учраган саркарда онасининг олдиндан қилган васиятига қўра рафикаси, онаси ва болаларини дарёга ташлашга амр этади. Ўзи эса 4 минг кишилиқ аскар билан Хинд дарёсининг нариги қирғоқига ўтиб олади (дарёнинг бу жойи ҳозирда «от сакраш» деб аталади). У Эрон ва Кавказда қучли давлат тузмокчи бўлади, лекин хар иккала жойдаги илк галабадан кейинқ ўлжа тақсимлаш масаласида қелишмовчиликлар сабабли қўшин тарқалиб кетаверган. Жалолиддин 1231 йили вафот этгунча мўғулларга қарши қурашини давом эттиради.

Мўғуллар истилоси оқибатида Мовароуннахр ва Хоразмнинг гавжум ва қўрқам шаҳарлари харобазорга айланди. Самаркандни ичимлик суви билан таъминлаб турувчи

ягона сув иншоот - Кўргошин новаси ва калъа деворлари (кейинчалик Амир Темур томонидан тикланган), Марв воҳаси сугориш тармоқларининг бош тўғони - машхур Султонбанд бузиб ташланди. Самаркандликлар 1750-1800 йил давомида ота-боболари яшаб келган ўз она шаҳарларини тарк этиб чикиб кетишди. Марв аҳолиси эса сувсизликдан куриб бораётган кишлоқларни ташлаб, ўзга ерларга бориб жойлашди. Воҳа кимсасиз даштга айланди. Урганч сувга бостирилиб, батамом вайрон этилди. Зироатчи аҳолининг кескин камайиб кетиши оқибатида дехкончилик таназзулга юз тутди. Юз минглаб мохир хунарманд ва усталар Мўғулистонга ҳайдаб олиб кетилди. Осиёнинг ҳеч бир ўлкаси мўғул босқинини Жайхун ва Сайхун оралигидаги вилоятлар каби дахшатли даражада ҳис этмади. Чунки бу жангари кўчманчилар Мовароуннахрда юксак хунармандчилик, ички ва ташқи тиҷорат ҳамда сугорма зироатчилик билан касб этилган асосли идора усулини биринчи марта кўрдилар. Талон-тороғ, зўрлашга бўлган чанқоқларини илк бор шу ерда қондирдилар.

Асрлар давомида Хитой ва Ҳиндистондан Улуг Туркистон орқали Кичик Осиё ва Европа томон кесиб ўтган машхур «Ипак йўли» мўғуллар босқини даврида бутунлай барҳам топди. Бу даврда илм ва маърифатга етказилган жароҳат ҳам оз бўлмади.

Бу босқинда Ўрта Осиё аҳолисининг 75 фоизи қиличдан ўтказилган эди. Биргина нотўғри берилган қарор сабабли Ҳоразмшоҳлар давлати барҳам топди. Урта Осиё тараккиёт борасида бир неча юз йилга ортга қайтди. Қизиқарли бир факт: мўғуллар бутун тарих давомида бир марта - Чингизхон ҳукмронлиги даврида босқинчилик урушлари олиб боришган экан ҳолос.

Агар Ҳоразмшоҳлар салтанати мудофаани тўғри ташкиллаштирганда XIV асрнинг 70-йилларигача давом этган истило ҳам бўлмас эди. Рус халқи 1480 йилгача мўғулларга бош эгмаган, марказий Европанинг қок ўртасидаги Вена шаҳри (ҳозирги Австрия республикаси пойтахти) мўғул лашқари ҳужумидан дағ-дағ титрамаган бўларди. Шу биргина хато сабабли миллионлаб одамнинг ёстиғи куриб, йирик маданият марказлари вайрон қилинди.

Каримжон МАМАЖОНОВ